



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 6 сентябрь, № 185 (7415)

Жума

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, 11 мингдан зиёд қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Танқидий-тахлилий руҳда ўтган ушбу тadbирда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, охириги 2 йилда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилашга 2 триллион 400 миллиард сўм ажратилди. Бу аввалги 10 йилда ажратилган жами маблағдан 2 баробар кўп демакдир.

Шунга қарамасдан, мамлакатимизда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 68 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич, жумладан, Қорақалпоғистонда 52 фоиз, Бухорода 53, Қашқадарё ва Сурхондарёда 54, Хоразмда 56 фоиз, ҳолос.

Йиғилишда қайд этилишича, Тошкент шаҳрида сув таъминоти корхоналари рентабеллиги 7 фоиз, Андижон ва Қашқадарёда 6, Навоий вилоятида 3 фоизни ташкил этади.

27 минг километр ёки 38 фоиз сув тармоқлари авария ҳолатида бўлса, 2 мингта ёки 20 фоиз сув насослари ишдан чиққан. Юртимиз шаҳарларининг фақат 79 тасида (57 фоиз) канализация тизими мав-

жуд, унинг ҳам 23 фоизи таъмирга муҳтож.

Йиғилишда, шунингдек, бугунги кунда ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш иншоотларининг 85 фоизда ҳисобга олиш тизими мавжуд эмаслиги ҳам танқид қилинди.

Жами 3 миллион 280 минг сув истеъмолчиларидан атиги 44 фоизга, яъни 1 миллион 425 минг хонадонга ҳисоблагич ўрнатилгани соҳада ишлар сузташлик билан амалга оширилаётганини кўрсатмоқда.

Айниқса, қишлоқларда кўплаб эгасиз сув иншоотлари мавжуд (биргина Бўка туманида, масалан, 60 дан ортиқ шундай объектлар бор).

Давлатимиз раҳбари шу ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни ҳал этиш учун соҳада олиб борилаётган ишларни кескин жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга қадар сув таъминотини шаҳарларда 98, қишлоқларда 85 фоизга, канализация тизимини 31 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун 4,5 миллиард доллар маблағ керак бўлади.

Бундай улкан мақсадларга эришиш учун эса ҳозирданок муҳим

вазифаларни ҳал этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Авалло, тарифларни эркин бозор талаблари асосида белгилаш ва соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш керак. Қолаверса, тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш иншоотлари ҳамда истеъмолчиларни 2022 йил охирига қадар 100 фоиз ҳисоблагичлар билан таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда Молия ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликларига 2020 йил 1 январдан тарифларни хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш ва модернизация харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, олис ва тоғли ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий қилиниши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тажриба тариқасида сув ва канализация тизимини тadbиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида бериш чоралари кўрилиши таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан соҳа раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

## КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш бўйича йиғилиш ўтказди.**

Жорий йил 30 июлда давлатимиз раҳбарининг мазкур чора-tadbирларга оид қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Бош вазир раислигида Республика комиссияси тузилиб, барча мутасадди идораларнинг бу борадаги вазифалари белгиланди. Тураржойлар, ижтимоий муассасалар ва корхоналарни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхона ва тармоқларни таъмирлашга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Йиғилишда ёқилғи-энергетика комплексидаги корхоналар фаолияти тахлил қилиниб, галдаги муҳим чоралар белгилаб берилди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжини қоплаш ҳамда экспортни таъминлаш, бунинг учун табиий газ қазиб олишни кўпайтириш дастурини самарали бажариш зарурлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамаси ва Энергетика вазирлигига истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш юзасидан топшириқ берилди.

“Ўзтрансгаз”, “Худудгазаъминот” акциядорлик жамиятларига жорий йил 1 ноябрга қадар 93 километр газ тармоғи ва 172 та газ тақсимлаш пунктини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, ер ости омборларида газ захирасини шакллантириш вазифаси қўйил-

ди. “Муборакнефтваз” ва “Газлинефтвазқазибчиқариш” корхоналарида янги компрессор станцияларини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли эҳтиёжи учун 245 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган. Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд кесимида аҳоли эҳтиёжини чуқур ўрганиб, зарурат бўлса, қўшимча суюлтирилган газ етказиб бериш кераклигини таъкидлади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, “Газлинефтвазқазибчиқариш” ва “Шўртаннефтваз” корхоналарида пропан-бутан аралашмаси олиш ускуналарини ишга тушириш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жорий йилги мавсумда электр энергиясига талаб ўтган йилгадиган нисбатан 11,5 фоиз ошиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазирлигига октябрь ойида иссиқлик электр станцияларида 7 та энергоблок, 7 та қозон агрегати, битта газ турбинаси ва битта буғ-газ қурилмасини капитал таъмирлаш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йил якунига қадар Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини фойдаланишга топшириш, Тўрақўрғон иссиқлик электр

станциясида қуввати 450 МВт бўлган биринчи буғ-газ қурилмасини тўлиқ лойиҳа қувватига олиб чиқиш ҳамда иккинчи буғ-газ қурилмасини ишга тушириш зарурлиги қайд этилди. Декабрь ойигача 3,5 минг километр электр тармоғини ҳамда 1 171 та трансформатор пунктини реконструкция ва модернизация қилиш чоралари белгиланди.

Энергетика ва Молия вазирликлари, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига куз-қиш мавсумида аҳолининг кўмирга бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича топшириқлар берилди. Ташишда имтиёزلарни қўллаган ҳолда, кўмирни аҳолига етказиб бериш нархлари юқори бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Иссиқлик таъминоти ва ичимлик суви тармоқларини куз-қиш мавсумида тайёрлаш ҳолати ҳам муҳокама қилиниб, бу борада сузташликка йўл қўйилаётгани учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фаолияти жиддий танқид қилинди. Уларга иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти тизимларини ҳамда кўп қаватли уйлارни таъмирлаш ишларини жадаллаштириб, қисқа мудатларда яқунлаш вазифалари топширилди.

Ў.А.

### Мерос

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОД МАКТАБИ

“Истеъдод — халқ мулки” деган маълум ва машҳур таъбирни кўпчилик билади. Бебаҳо мулк-ҳазина ҳамиша эътиборга, эҳтиётга, ҳимояга, қўриқлашга, сайқал ва ҳатто кўз-кўз қилишга муносибдир. Дунёга келган ёш истеъдодларни топиш, уларга таълим-тарбия бериш, охир-оқибатда миллиятни ҳар жиҳатдан юксак мақомларга олиб чиқиш учун асос бўлади.

Республикада истеъдодли адабларимизнинг табарруқ номлари билан аталадиган ижод мактаблари очилиши, ёшларга алоҳида эътибор берилиши одамни қувонтиради. Зеро, ҳар қандай ёш ниҳол камолоти учун доимий парваршиш, покиза муҳит ва шарт-шароит зарур. Миллий адабиётимиз, илм-фан ва маданиятимизнинг истиқболи учун ўша ижод мактабларида ўқиётган ўқувчилар куч-қувват бўлади. Бу мактабларга сараланган, танланган, билим-

га чанқоқ ўқувчилар қабул қилинди. Шахсан ўзим Гулистон шаҳрида очилган Ҳалима Худойбердиева ижод мактабида бўлиб ўтган ижодий саралаш имтиҳони жараёнида қатнашдим. Шу даргоҳга келган юзлаб ўқувчиларнинг орзу-ниятлари, эзгу интилишларидан одамнинг дили яйраб кетади.

Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби очилишида ўзига хос ҳикमत бор.



## ЎЗБЕК ФЕНОМЕНИ

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДИ.**

Мустақиллик байрами шуқуҳи кезиб юрган айни кунларда мамлакатимиз босиб ўтган йўлга баҳо берад эканмиз, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз турмуш даражаси янада кўтарилишига олиб келувчи янги мақсадларни ҳам белгилаб оламиз. Бу борада давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаш ва муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан бир қаторда, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш, бунинг учун барча шароитни яратиш масаласини биринчи галдаги вазифалар сирасига киритмоқда.

### Эксклюзив интервью

— Оқил Умурузоқович, яқинда халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз “Мақтаб, бу — ҳаёт-мамонт масаласи, келажақ масаласи”, деб айтиш орқали Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётида ёшлар тарбияси нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидладилар...

— Мамлакат раҳбарининг бу сўзлари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Ота-оналар ўз фарзандларига жуда кичиклигидан бошлаб эзгулик, ҳалоллик, катталарга ҳурмат туйғуларини сингдириши лозим. Болаларда ростгўйлик, илмга интилиш, безорилик қилмаслик каби ҳислатлар одатга айланиши керак. Агар бу нарса билан оилада шуғулланилмаса, натижаси яхши бўлиши қийин. Негаки, мактабда ўқувчи нафақат билим олади, балки унинг феъл-атвори ҳам шаклланади. Хулқ-атвор эса инсоннинг келажақдаги тақдирини белгилайди. Демак, ижобий фазилатларни шакллантириш, қобилият ва иқтидорни ривожлантириш, қизиқувчанлик ва фаоллиқни рағбатлантириш болаликдан бошланади.

Шавкат Миромонович институт тартиб-ташқирида ишлаган пайларда ҳамма иқтидорли, фаол йигит-қизларни қўллаб-қувватларди. Ўша вақтларда бунинг учун алоҳида имкониятлар бўлмаган. Лекин барибир муносиб ёшлар тақдирлар эди. Масалан, оддийгина — атайлаб тайёрланган кўкрак нишонларини эслайлик. Фаол талабаларга шундай нишонлар топширилганда, бошқалар ҳам уларга тенглашиш учун ўқишда ва жамоат ишларида ўзини кўрсатишга ҳаракат қилар эди.



## СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БУГУН ЗАМИН ЯРАТСАК, ЭРТАГА АЛБАТТА НАТИЖА БЕРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқроғ мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилишда мамлакатимизда ушбу соҳада ҳали ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлиги аниқ рақамлар, таҳлиллар асосида қайд этилди.

### Муносабат

Айниқса, 2020 йилда Токиода бўладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг аҳоли қониқарли эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шароит яратишга етарлича эъти-

бор бермаётгани танқид қилинди. Шунингдек, жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси талабга жавоб бермаслиги, бу эса миллий тарма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.



### Спорт иншоотларидан қандай фойдаланиляпти?

Мамлакатимиз бўйича 12 мингдан ортиқ спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади.



Аҳолига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминлаш даражаси 4,5 фоиздан ўсмайди.

ХУСУСАН, БУ КЎРСАТКИЧ

## ДАВРНИНГ ЎТКИР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ПАРТИЯ СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА ЯШАЙ ОЛАДИ

Президентимиз шу йил 22 август куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувда жорий йил декабрь ойида парламент ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида тўхталиб, сиёсий партияларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича амалий таклифлар билдирган эди. Ушбу мулоқот, чин маънода, партияларнинг муҳим тadbир олдида жонланишига, сайловолди дастури, сиёсий платформасини янги ташаббуслар асосида ишлаб чиқишига туртки берди, десак, янглишмаймиз. Мазкур учрашувда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, муҳбиримиз сиёсий партиялар етакчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди.

1. Айни вақтда партиянгиз декабрь ойида бўлиб ўтадиган сиёсий тadbирга қандай янги гоя ва мақсадлар билан бормоқда? Очигини айтиш керак, партияларнинг бу борадаги тайёргарлигини негадир сезмаяпмиз...

2. Сизнингча, бўлажак сайловларда партиянгиз етакчилик қила оладими?

3. Партияларимиз замонавий политехнологиялардан фойдаланишда анчайин суст. Улар шу пайтгача анъанавий ва қотиб қолган тарғибот усулларидан фойдаланиб келмоқда. Айрим жузъий ўсишларни ҳисобга олганда, албатта. Мазкур ҳолат партиянинг молиявий аҳволи билан боғлиқми ёки лидерларида ташаббускорлик етишмаслигидами?

3-саҳифага қаранг. ➔

# ЎЗБЕК ФЕНОМЕНИ

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДИР.



Ватанини жон-дилдан севувчи Шавкат Мирзиёев ўшандаёқ сиёсий тузум ва мафкурадан қатъи назар, Ўзбекистонни ёшлар куради, деган гоёни ўртага ташлаган. Бошқа соҳаларда ҳам муаммолар талтайгина бўлишига қарамаздан, кейинги уч йилдаги ислохотлар айнан таълим соҳасидан бошлангани бежиз эмас.

Бу давлатимиз раҳбари ўша даврдаёқ, ўзи ёш бўлса-да, билим билан бир қаторда, воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш қобилиятига эга бўлганидан дарак беради. Бундай ҳислат эса кўпчиликда етишмасди. Шавкат Миромоновичга яна кенг дунёқараш ҳам ёрдам берди. Натижада иқтисодиётда, ижтимоий соҳа-

моқда. Бу нафақат тақдирланганлар, балки уларнинг тенгқурлари учун ҳам рағбатдир. Тўғри-да, шунга эришмоқчи бўлсанг, сен ҳам ҳаракат қил, ўқишда, санъат ёки спортда ўзингни кўрсат!

Тарих гувоҳлик берадики, буюк ислохотчи ўзидан олдинги тартибни бутунлай бекор қилиб, ҳамма нарсадан бутунлай воз кечиб эмас, балки оқилона, барчасини тарозига солган ҳолда ёндашиб, янгиликларга қўл уради. Ахир эски тизимнинг ҳам қайси-дир жиҳатлари самарали бўлган, фақат уни замон талабига мослаш керакдир? Шундай қилиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мактаб-гача таълим тизимига янгича ёндашув жорий этилди. 11 йиллик таълим қайта тикланди ва бу ота-оналар, бу-

ни қўллаб-қувватлаш лозим, дерди. Шуни ҳисобга олиб, биз институтга яқин жойлашган мактабнинг раҳбари билан келишдик-да, қишлоқлардан қобилиятли болаларни тақлиф қилдик, уларни тураржой билан таъминлаб, овқатланишни ташкил этдик. Уларга тажрибали устозлар сабоқ бера бошладик. Кейинчалик лицейлар айнан ана шу негизда очилди. Ўнда таълим олган йиғит-қизлар институтга кириб, олий маълумотли бўлишди. Хозирги кунда кўпчилиги аграр соҳада самарали меҳнат қилляпти.

Ушанда алоҳида бир олий таълим муассасаси йўналишидан келиб чиққан бўлсак, энди Шавкат Миромонович давлат раҳбари сифатида шу ташаббусни янада кенг қанот ёздиришмоқда. Таъбир жоиз бўлса, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратиляпти. Мисол тариқасида, иқтидорли болалар мактаблари, буюк алломалар номи билан аталувчи махсус ўқув юртлири, машҳур ёзувчи ва шоирлар номидаги ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби” ва Президент мактаби сингари янги типдаги мактабларни келтириш мумкин. Уларда устоз ва мураббийлар истеъдодли ўқувчиларга ижодий ва маънавий салоҳиятини тўла намоён этишда ёрдам берадилар.

Албатта, педагогларнинг ўзи ҳам эътибордан четда қолмади. Ахир улар ҳам барча қатори рағбатни хошлашди. Агар институтда ишлаб юрганида Шавкат Мирзиёев ўқитувчиларни имконият даражасида қўллаб-қувватлашга, яъни товарларнинг имтиёзли нархларда сотилиши ёки вақти-вақти билан бепул озик-овқат маҳсулотлари ажратиб каби тадбирларни амалга оширишга эришган бўлса, бугунги кунда биринчи раҳбар ташаббуси билан устозларга гамхўрлик олий даражага кўтарилмоқда. Уларнинг ойлик маоши бир неча баравар кўпайтирилди, жамиятдаги обрўси оширилди.

Эсимда, вилоятлардан бирига борганимизда, ўқитувчилар билан учрашувда: “Туманингиз ҳаётида қандай ўзгаришлар бўляпти?”, деган савол

ташланган эди. Маҳаллий мактабнинг математика ўқитувчиси тезда жавоб

тиб беришимиз керак. Тўғри, ҳамма ҳам илм-фан, спорт ёки санъатда катта ютуққа эришавермайди. Аммо ҳар бир ёш ҳақиқий инсон ўз Ватанининг фидойиси бўлиб улғайиши шарт.

Бир мисол келтираман. Барча олий таълим даргоҳларида бўлгани каби, ТИҚХМИДА ҳам институтга кири олмаган ёки айрим сабабларга кўра ўқишини давом эттирма олмай қолганлар бор эди. Хўш, улар билан қандай иш олиб бориш керак? Кимдир: бу билан институт раҳбариятининг нима иши бор, абитуриент кири олмайди мени, уйига қайтади-да, дейиши мумкин. Бу фақат айтишга осон. Лекин, тасавур қилинг, ота-она ўғлини яхши мутахассис бўлиб қайтади, деган ниятда пойтахтга юборган. Ўғил ҳам “бўш қўл билан” қайтишга уялди. Оила аъзолари ёки атрофдагиларнинг нотўғри муносабати эса уни “синдириб” қўйиши мумкин. Чиндан ҳам, бундай шароитда олий ўқув юртининг раҳбарияти бирор нарсага мажбур эмас. Аммо... шундай йиғитларга ёрдам берса бўладими?

Ташкил ирригация институтидида Шавкат Миромоновичнинг фаол иштироки билан махсус курслар ташкил этилди ва талабалар бахтига эриша олган абитуриентларга, дейлик, деҳқончилик асосларини, соҳага тегишли энг зарур билимлар ҳажмини эгаллаш тақлиф қилинди. Ана ўша курсларни тугатган йиғит-қизларнинг кўпчилиги ўз уйларига олий маълумот тўғрисидаги диплом билан бўлмасда, яхшигина мутахассис бўлиб қайтишди. Улар бугун — фермерлар. Нафақат оиласи, балки ҳамқишлоқларининг фаровонлигини таъминлашмоқда, ўз хўжалиқларида янги иш ўринлари яратишмоқда.

Ташкил ирригация институтидида Шавкат Миромоновичнинг фаол иштироки билан махсус курслар ташкил этилди ва талабалар бахтига эриша олган абитуриентларга, дейлик, деҳқончилик асосларини, соҳага тегишли энг зарур билимлар ҳажмини эгаллаш тақлиф қилинди. Ана ўша курсларни тугатган йиғит-қизларнинг кўпчилиги ўз уйларига олий маълумот тўғрисидаги диплом билан бўлмасда, яхшигина мутахассис бўлиб қайтишди. Улар бугун — фермерлар. Нафақат оиласи, балки ҳамқишлоқларининг фаровонлигини таъминлашмоқда, ўз хўжалиқларида янги иш ўринлари яратишмоқда.

Ташкил ирригация институтидида Шавкат Миромоновичнинг фаол иштироки билан махсус курслар ташкил этилди ва талабалар бахтига эриша олган абитуриентларга, дейлик, деҳқончилик асосларини, соҳага тегишли энг зарур билимлар ҳажмини эгаллаш тақлиф қилинди. Ана ўша курсларни тугатган йиғит-қизларнинг кўпчилиги ўз уйларига олий маълумот тўғрисидаги диплом билан бўлмасда, яхшигина мутахассис бўлиб қайтишди. Улар бугун — фермерлар. Нафақат оиласи, балки ҳамқишлоқларининг фаровонлигини таъминлашмоқда, ўз хўжалиқларида янги иш ўринлари яратишмоқда.

“**Ҳар кун гувоҳи бўлаётганимиздек, ёшларга вазирилик ва идоралардаги юқори лавозимлар ишониб топширилмоқда, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга давлат мукофотлари ва унвонлар берилляпти, автомашина, уй-жой тақдим этилмоқда. Бу нафақат тақдирланганлар, балки уларнинг тенгқурлари учун ҳам рағбатдир. Тўғри-да, шунга эришмоқчи бўлсанг, сен ҳам ҳаракат қил, ўқишда, санъат ёки спортда ўзингни кўрсат!**”

да ва ниҳоят, одамлар онгида ўзгариш ясаш учун, энг аввало, таълим соҳасини янгилаш умуммиллий мақсадга айланиши керак, деган тезис илгари сурилди. Бугунги кунда таълим-тарбия, маърифат соҳасини қамраб олган чуқур ислохотларнинг илдизи ҳам айнан шунда.

Президент Шавкат Мирзиёев истеъдодли, фаол ва ташаббускор йиғит-қизларни қўллаб-қувватлашга аввалгидай тайёр. Албатта, ҳозир бунинг учун имконият кўпроқ. Ҳар кун гувоҳи бўлаётганимиздек, ёшларга вазирилик ва идоралардаги юқори лавозимлар ишониб топширилмоқда, алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга давлат мукофотлари ва унвонлар берилляпти, автомашина, уй-жой тақдим этил-

тун жамоатчилик томонидан қувонч билан қутиб олинди. Булар — пухта ўйланган, ҳеч мулоғасиз, мамлакатимиз келажаги, тақдирига ижобий таъсир кўрсатадиган қадамлар.

— **Дарҳақиқат, ёшлар учун рағбат етарли. Лекин, аввало, иқтидорни аниқлаш ва уни ривожлантиришга ёрдам бериш зарур. Буни қандай амалга оширса бўлади?**

— Жавоб бериш учун яна Шавкат Миромонович билан Тошкент ирригация институтида бирига ишлаган пайтларимга қайтаман. У жонажон ўлкамиз истеъдодли инсонларга бой, лекин ўз истеъдодини намоён этиш учун ҳаммадаям, айниқса, қишлоқ ёшларига имконият йўқ, демак, бундай ёшлар-

# СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БУГУН ЗАМИН ЯРАТСАК, ЭРТАГА АЛБАТТА НАТИЖА БЕРАДИ



Спортчиларнинг тез тикланиб олишлари учун фармакологик кўмак зарурлиги, аммо юртимизда спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дорини воситаларни яратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилгани, бу соҳада малакали мутахассисларнинг йўқлиги, спорт федерацияларининг бирортасида ҳам терма жамоа аъзоларининг мусобақаларга тайёрлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмаслиги жиддий камчилик сифатида кўрсатиб ўтилди.

Умуман, жуда кўп муаммолар эртага ташланиб, тегишли вазириликларга, мутасаддиларга уларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Юртимиз спорт жамоатчилиги бу борада ўз муносабатини билдиришмоқда. Қўйда улардан айримлари билан танишасиз.

**Умед РАДЖАБОВ, Жисмоний тарбия ва спорт вазири**  
**Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиги:**

— Давлатимиз раҳбари бугун мамлакатимиз спортдаги ҳар бир муаммога атрофчила тўхталиб, тўғри ва ўринли танқид қилдирилди. Жуда кўп камчиликлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Улар бугун ҳал этилмас, албатта, эртага ҳал бўлади. Буни ҳаммамиз теран англаб, жон куйдириб, юракдан, астойдил ишлашимиз шарт.

Жумладан, спортчиларимизнинг Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик даражасининг қоникорлиги эмаслиги, бир қатор спорт федерациялари ҳамда ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлаши мумкин бўлган спортчиларга шароит яратишга етарлича эътибор бермаётгани қаттиқ танқид қилинди. Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ишчи гуруҳи тузилиб, уларнинг фаолияти бўйича ўрганишларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Жисмоний тарбия ва спорт

вазирилик иқтидорли спортчиларнинг яқин ойларида ўтказилган халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаши ва Олимпияда лицензиясини қўлга қиритиши учун янада кенг имкониятлар яратишга эътиборни кучайтиради.

Ҳақиқатан ҳам, спортчи ўз устида янада кўпроқ ишлаб, юксак натижаларга эришиши учун, аввало, унинг оиласи тинч, кўнгли хотиржам, ҳар хил ҳаётий муаммо ва ташвишлар уни безовта қилмаслиги лозим. Спортчининг холидан хабар олмай туриб, унда қанақасига юксак натижа талаб қилиш мумкин!?

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик юртимизда йирик халқаро комплекс мусобақаларнинг ўтказилишига эришиш, хусусан, мамлакатимизда йирик спорт тадбирларига меъзобонлик қилишга шарт-шароит яратиш борасида ҳам ўз олдига муҳим вазифаларни белгилаб олди.

Президентимиз ҳудудлардаги ҳар бир спорт муассасасини хатловдан ўтказиб, спорт захирасини шакллантириш, селекция ва истеъдодли спортчиларни танаболо олиш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги борасида жуда ўринли фикрларни билдиридилар. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантириш, оммалаштиришга катта туртки беради.

Ёш авлодни спортга ошно этиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди. Чунонкин, эндиликда мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпияда ташкил қилиб, уларда голиб бўлганларнинг олий таълим муассасаларига квотадан ташқари имтиёзли асосда қабул қилиш ҳамда уларга спорт тоифасини бериш йўлга қўйилади. Шунингдек, бундай ёшларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари иш ҳақиқа қўшимча устамга, юқори тоифа ва унвонлар берилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳам улкан имконият. Чунки жисмоний тарбия билан шуғулланган наётган бола, табиийки, ўқишга кириш ҳақида ҳам ўйлайди. Агар у спорт мусобақаларида, жисмоний тарбия фанидан бўладиган олимпиядада голибликка

эришса, олий ўқув юртига имтиёзли асосда кириши мумкинлигини билса, бахсларга бутунлай бошқача тайёрланади. Натижада ҳам ўқишга қиради, ҳам соғлом бўлади, ҳам яхши спортчи айланади. Қўшимча рағбат, шубҳасиз, мураббийларни ҳам ўз касбига астойдил ёндашишига замин яратади.

Биз, соҳа мутахассислари Президентимиз томонидан белгилаб берилган ҳар бир вазифа ижросини таъминлаш, юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг замон талаблари асосида ривожланишига эришиш йўлида бор куч ҳамда салоҳиятимизни ишга соламыз.

**Светлана РАДЗИВИЛ, энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:**

— Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишни айни вақтида ўтказдилар, деган фикрданам. Чунки унда билдирилган фикрлар, танқидий мулоҳазалар тизимдаги муаммоларни бартараф этиш, қолаверса, кейинги йил бўладиган Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этишни таъминлаш нуктаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, юртимизда сўнгги йилларда спорт соҳасида қатор ишлар амалга оширилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Уларнинг барчаси Президентимиз кўрсатма улар асосида рўёбга чиқди. Ўз йўналишимиз мисолида айтадиган бўлсам, Муртобошимиз топшириғи асосида дастлаб энгил атлетика бўйича инфратузилма яратилди. Замонавий базага эга бўлди. Булар тез орада ёрқин натижалар беради, деб ўйлайман.

Президентимиз спортчиларни кадрлаш, рағбатлантиришга доим алоҳида эътибор қаратадилар. Бизнинг шаънини эгаллаётган йирик фикрлар билдиридилар. Бошқа раҳбарларни, масъулларни ҳам шунга чорляптилар. Бу жуда катта гап. Сабаби, рағбат ҳар қандай инсонни руҳлантиради.

Яқинда менинг ҳаётимда ҳам бир умрга унутилмас қувончли воқеа рўй берди. Мустақилли-

гимизнинг 28 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига асосан, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвонига сазовор бўлдим. Бу зиммамдаги масъулиятни ўн қарра, йўқ, юз қарра оширди, десам тўғри бўлади.

Бизнинг олдимиздаги энг катта вазифа — келаси йил Токиода бўлиб ўтадиган Олимпияда ўйинларида муваффақиятли қатнашиш. Лекин ҳозирги тайёргарлик жараёнини давлатимиз раҳбари қоникорли эмас, деб баҳоладилар. Бу ҳамма, биз, спортчиларни ҳам масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишга ундайди. Тўғри-да, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига юзаси қараб бўлмайди. Унга астойдил, тизимли тайёргарлик қилиш керак. Олимпиядага йўлланма олиш бир босқич бўлса, у ерда зафар қучиш иккинчи босқичдир. Бизнинг ниятимиз фақат лицензия олиш эмас, балки зафар қучиш. Бинобарин, спорт мамлакат имижини тарғиб этишда энг қулай воситадир. Шундай экан, қанчалик кўп юқори поғоналарни забт этсак, Ўзбекистон номи шунчалик дунёга янада кенгроқ ёйилади.

Яқинда Қатар пойтахти Доха шаҳрида энгил атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлари вакиллари иштирок этадиган мазкур мусобақа Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўзининг асосий таркиби спортчилари билан таъриф буюради. Биз ҳозир шунга тайёргарлик қўрляптим. Ишонтириб айтмайми, мазкур мусобақада фақат галаба учун, давлатимиз гамхўрлигига муносиб бўлиш учун беллашамиз.

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони:**

— Президентимизнинг спортга, спортчиларга эътиборини, меҳрини доимо ҳис қилиб турамыз, шундан катта куч оламиз. Куни кеча давлатимиз раҳбари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалалари-

Шавкат ОРТИКОВ, Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») ёзм б олди.

## Маҳаллий Кенгашларда

Навоий вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўринга эга. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, мавжудлари фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар мавжуд.

## ТАДБИРКОРЛАР ТАЛАБИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚАНОАТЛАНТИРИЛЯПТИ?

Аммо вилоятдаги 3189 та кичик бизнес субъекти фаолиятини тўхтаган, уларни қайта тиклашга кўмаклашиш ишлари эса афсуски, суст. Махсулотларни импорт қилиш салмоғи экспортдан кўра юқори. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда импорт салмоғи 103,7 млн. АҚШ доллари бўлиб, экспортдан 80,9 млн. долларга кўп. Шунингдек, ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан импорт ҳажми 35,6 млн. АҚШ доллари ошган.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида тадбиркорликни ривожлантиришга оид ана шундай муаммолар ўртага ташланиб, уларга ечим изланиди, кичик бизнесни янада тараққий эттиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидидаги масалалар билан бирига, банклар фаолиятини таҳлил этилиб, улар бугун тадбиркорларнинг талабини қаноатлантиряптими, деган савол ўртага ташланди. Таккидландики, тижорат банклари ҳамон давлат раҳбари ва ҳукуматнинг топшириқларини қўйиб, шу асосда у ёки бу масалада ишбилармонларга кўмак бермоқда, аксарият ҳолларда тадбиркорлик ривожига хайрихоликдан нарига ўтолмайпти.

Қолаверса, “Ёшлар — келажикимиз” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, айниқса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббусларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар самардорлиги ҳам пастиглича қолмоқда. Мисол учун, жорий йилга мўлжалланган мазкур дастур ижроси шу кунга қадар 48,9 фоиз бажарилган, холос.

Бундан ташқари, вилоят фойдалани қазилмаларга бой ҳудудлардан бири. Шунга қарамай айни пайтда ушбу

қазилма бойликларидан фойдаланиш даражаси жуда паст. Хусусан, вилоятда ҳозирги кунда жами 120 та фойдалани қазилма қони рўйхатга олинган бўлса-да, шундан атиги 69 таси ўзлаштирилган.

Сессияда тадбиркорлик йўналишига масъул вазирилик ва тузилмаларнинг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимлари ҳудуд мақолатларини республика даражасида илгари сурини қаратган эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидланди. Улар аксарият ҳолларда қурилиш масалалар, жумладан, ҳисобот ва ҳақлар бўлиб тўлдириш билан овора бўлиб, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий тақлиф ва ташаббуслар кўрсатмаётганини танқид остига олинди.

Шунингдек, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам фаол бўлиши, ўз фаолиятида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиши, уларнинг муаммолари асосида тегишли тузилмаларга қатъий депутатлик сўровлари билан чиқиши, кичик бизнес ривожига тўсиқ бўлаётган ҳар қандай муаммо ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан биринчилардан бўлиб муносабат билдиришлари зарурлиги таъкидланди.

Сессияда қўриб чиқилган масалалар юзасидан халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи».)

«Халқ сўзи».

# ДАВРНИНГ ЎТКИР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БERAДИГАН ПАРТИЯ

## СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА ЯШАЙ ОЛАДИ

Қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимизни бирлаштирадиган ягона ва муштарак мақсад, бу — жонажон Ўзбекистонимиз, унинг буюк келажигидир. Аини шу мақсад ҳаммамизни она юртимизга садоқат билан хизмат қилишга даъват этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### «БИРИНЧИЛИКНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАЙМИЗ»



**Ақтам ХАЙТОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:**

сайловларида муносиб иштирок этди ва шу давр мобайнида етакчилиги кўлдан бермай келмоқда. Ана шу сиёсий жараёнларда партия жуда катта тажриба тўплади. Қолаверса, кейинги йил давомида партия ўз фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқди ва кўпроқ паствага тушиб, аҳоли билан мулоқот ўтказди. Бу учрашувларнинг биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир жиҳати шундаки, кўпчилиكنинг фикри асосида биз ўз хато ва камчиликларимизни ва нисбатларга эътибор қаратиш кераклигини билиб олдик.

1. “Давлат ҳам, ислохотлар ҳам, аввало, инсонга хизмат қилиши керак”. Биз сайловларга мана шу гоя билан ўртага чиқялмиш. Зеро, дунё либерализмининг бош ғоясида ҳам айнан инсон манфаатлари барча нарсадан устун қўйилишини кўриш мумкин.

Албатта, узоқ ўн йилликлар давомида инсон катта давлат машинасининг оддий бир мурвати сифатида қараб келингани ва бугун ана шу баҳайбат машинани инсон учун ишлашга йўналтириш янгиланаётган Ўзбекистон олдига ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, қолаверса, ижтимоий соҳаларда қандай улкан вазифалар турганлигини яққол кўрсатади. Биз ҳар бир йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларни англабгина қолмасдан, уларни ҳал этиш борасида аниқ режаларга ҳам эгамиз. Уларни амалга ошириш эса бугун ҳаётимизда учраётган оддий боғча ўринлари етишмовчилигидан тортиб, янги иш ўринларининг етарли эмаслигигача бўлган кўплаб масалаларнинг ечилишига, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, давлатимизнинг эса дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига киришишга хизмат қилишига ишонамиз.

Ўз навбатида, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, энг аввало, эркинлик шароитида рўйбга чиқади. Эркинлик, эркин ривожланиш инсоннинг кўплаб салоҳияти, имкониятларини рўйбга чиқаришининг бош асосидир. Бугун юртимизда бу жараёнларнинг лоқомини сифатида ўртага чиққан қатлам — тадбиркорлардир. Мамлакатимиз раҳбари халқимиз бугун яшай яшашига эришишини вазифа қилиб қўяр экан, уни тадбиркорлик ривожини билан боғлаётганлари бежиз эмас, зеро, қачонки, тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

2. ЎзЛиДеП сиёсий майдонга кириб келганига 15 йил бўлди. Шу давр ичида партия бир неча бор Президентлик ва парламент

### «САБРСИЗЛИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЭНГ КАТТА ЗАРАР БЕРУВЧИ ОМИЛДИР»

**Алишер ҚОДИРОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши раиси:**



1. Бугунги жамият барча соҳада бўлгани каби сиёсий партиялар олдига аниқ ва ҳақли эътирозларини қўймоқда. “Миллий тикланиш” ДП ушбу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда партия фаолиятини тизимли равишда тубдан ислоҳ қилишни бошлаган. Тан олиш керак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда иккинчи партия эканлигимиз билан қониқиб, вилоят ва туман кенгашларида талаб даражасида шаклланмаганмиш. Ваҳолонки, ҳар қандай партия халқ ишончини қўйишда ишлаши керак. Шундангина муваффақият ва сайловчининг ишончи бардавом бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси

ва деярли барча вилоятларда партиянинг ички дебатларини ўтказдик. Очик ва қизгин муҳокамалар бўлди. Партияимиз аъзолари, умуман, бугунги ёшларда кучли фидойилик ва ватанпарварлик бор. Биз уларни фаоллаштиришимиз, мамлакатимизнинг садқатли фуқароларига айлантиришимиз керак.

Партия оммавий ахборот воситалари билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартирди. Жумладан, партия бошқарувида ОАВ билан

ишлаш учун алоҳида раис ўринбосари ва Ахборот технологиялари бўлими ташкил этилди. Уларнинг олдига партиянинг таъсирчан ахборот ва тарғибот сиёсатини юритиш вазифаси қўйилди.

Партия газетасини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилдик. Мақсадимиз қисқа вақтда газета тиражини камида 5 мингга кўтариш. Бунинг учун, керак бўлса, ҳудудларда газетамизни текинга тарқатамиз. Бу газетамиз ўқувчиларини кўпайтиришгагина эмас, балки партия электорати сонининг орттишига ҳам хизмат қилади.

Марказий кенгаш ҳузурида фаол журналистлар билан мулоқот майдони сифатида маслаҳат кенгаши тузиб, унинг биринчи ййғилишини ўтказдик.

Тизимимиздаги яна бир янгилик, бу — Ўқув ва тадқиқот марказидир. Ушбу марказ барча даражадаги депутатларимизнинг

малакасини мунтазам ошириб босари билан бир қаторда, партия илгари сураётган гояларни тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Бугунги кунда партия фаолиятининг 28 мингга яқин захираси шаклланган. Улар нафақат партиянинг келажакдаги захиралари, балки мамлакатимиз ривожланиши учун сиёсий тобланган кадрлар бўлишига эришмоқчимиз. Бу орқали партия асосий ижтимоий вазифаларидан бири — “ижтимоий лифт” вазифасини ўташи керак; Шунинг билан айтишим мумкинки, партия олдимиздаги сайловларга янгилашган шаклда, халқимизнинг юксак ишончига сазовор бўлиш учун тайёргарлик кўрмоқда.

2. Ишонч билан айта оламани, ҳа. Бугунги дунёдаги сиёсий жараёнлардан шундай хулоса қилиш мумкин. Инсоният фаровон яшашини иқтисодий тўқилишнинг

ўзи камлик қилишини англаб етди. Ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтган сайловларда сайловчилар қадриятларга таянган муҳофазакор партияларга ишонч билдирилмоқда. Шу сабабли партия бу сайловларда жамиятимизда жиддий қўллаб-қувватланаётган миллий юксалиш ғояси атрофида “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш” шioriга таянган ўз дастурини тақдим қилади. Инсоннинг ўзгариши, ватанпарвар ва маърифатли жамиятни барпо этиш мавжуд бўлган узлуқсиз таълим тизимини такомиллаштириш ва унга муносиб равишда узлуқсиз тарбия тизими самарали жорий этилишига боғлиқдир.

3. Кучли молиявий имкониятлар кучли сиёсий партияларга керак. Кучли сиёсий партиялар эса кучли сайловчиларсиз бўлмайди. Бизда ҳар икки йўналишда янги давр бошланди. Натига тажриба талаб қилади. Сабрсизлик сиёсий жараёнларда энг катта зарар берувчи омилдир. Шунга қарамастан, партия олдимиздаги сайловларда ташвиқот-тарғибот ишларига тамоман янгича ёндашмоқда. Кутинг...

|  |                           |
|--|---------------------------|
| <b>Сиёсий партиялардан 2014 йилдаги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар сони:</b> |                           |
| ЎзЛиДеП — 52   | “Миллий тикланиш” ДП — 36 |
| ЎзХДП — 27   | “Адолат” СДП — 20         |
| <b>Сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг аини пайтда Қонунчилик палатасидаги сони:</b>                    |                           |
| ЎзЛиДеП — 39   | “Миллий тикланиш” ДП — 29 |
| ЎзХДП — 19   | “Адолат” СДП — 17         |

### «ЭНГ КЎП ДЕПУТАТЛИК ЎРНИ УЧУН ҚАТЪИЙ КУРАШАМИЗ»



**Улуғбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши раиси:**

1. Бўйли сайловлар янги ҳаққий шароитда, очиклик ва соғлом рақобат муҳитида ўтиши кутиляпти. Шунинг учун партияимиз Сайловлар олдига дастурини ҳар томонлама пишиқ ва пухта тайёрлашга, асосийси, аҳолини ўйлантириб келаятган муаммолар ечимини бўйича долзарб тақлифларни илгари суришга устуворлик бермоқда.

Партияимиз дастурига урта гоя умумий асос сифатида олинди. Булар — ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия. Дастуриимиз янгича ёндашув бўйича ишлаб чиқилди, ҳудудларга хос энг муҳим масалаларни белгилаб олиш учун қўйишдан юқрига — “оқруқ — туман (шаҳар) — вилоят — республика” тартибига амал қилинадиغان бўлди.

Дастурда муҳим аҳамиятга эга ижтимоий муаммолар қамраб олинмоқда. Масалан, кам таъминланганлик даражасини белгиловчи мезонларни такомиллаштиришга эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда бу борадаги муаммолар аниқ эмаслиги ижтимоий нафақаларни белгилаш ва моддий ёрдам қўриштиришда тушунмовчилик ҳамда муаммоларни келтириб чиқараяпти. Шу масалада халқроқ амалиётини ўрганиш, яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси билан боғлиқ мезорларни қонунчиликда мустаҳкамлаш вазифаси алоҳида ўрин оляпти.

Олис қишлоқ аҳоли яшаш жойларида мактаб ўқитувчилари, шифокорлар ва бошқа ижтимоий соҳа мутахассислари тақчиллиги ижтимоий ривожланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бунинг асосий сабаби — мутахассислар учун ижтимоий шароит яратилмаган. Ёш кадрлар олиш қишлоқ жойларига бориб ишлашни рағбатлантириш механизмининг яратилиши, қонун даражасида мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Аҳолини энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири коммунал хизматлар ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ экани сир эмас. Нарх-наво ва тарифларни,

шунингдек, коммунал хизматлар кўрсатуви ташкилотлар рентабеллигини чегаралаш, бу борада ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш Сайловларда дастуриимизда назарда тутиляпти.

Умуман, партияимиз илгари сураётган гоя ва тақлифларни жамоатчиликка етказиш муҳим масала. Аммо, тан олиш керак, бу йўналишда имкониятлардан самарали фойдалана олмаямиз. Айти кунларда Сайловларда дастуриимизнинг ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари ва депутатларимиз билан бирга муҳокама этиляпти.

2. Партия мамлакатимиздаги илк демократик партия сифатида катта тажриба тўплаган. Кўптартиявийлик тизимини жорий этиш жараёнларида самарали фаолият юритган, юртимиз мустақиллиги йилларида ўтказилган барча парламент сайловларида иштирок этган. У ўзининг тарихи ва кучли қадриятларига эга. Утган давр давомида партияимизнинг фаол аъзоларидан давлат ва жамоат арболарли, моҳир раҳбар ва сибсатчилар етишиб чиққан.

Партия бу йилги сайловларда парламентда ҳам, маҳаллий Кенгашларда ҳам энг кўп депутатлик ўрни учун қатъий курашади. Бунинг учун барча имкониятлардан самарали фойдаланамиз.

3. Тўғри, партияимиз шу вақтгача аънаваний тарғибот воситалари, асосан, телевидениедаги ахборот дастурлари билан чекланиб келмоқда. Қолаверса, партияимизнинг марказий ва ҳудудий нашрлари орқали олиб борилаётган тарғибот етарли, деб ҳисобланган. Аммо охириги 2-3 йилда ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларининг қамрови, аудиторияси бир неча баробар кенгайди, ёшлар, жамиятдаги фаол кишиларнинг эътибор маркази виртуал оламга кўчяпти. Ана шу воситалар кенг жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта таъсир кучига эга бўляпти. Юқоридегиларни ҳисобга олиб, минтақавий партия кенгашларида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ахборот хизмати штат бирликлари жорий этилди.

Тарғиботда замонавий сиёсий технологияларни қўллаш, улардан самарали фойдаланиш турли омиллар билан боғлиқ масала. Асосий омил, шубҳасиз, партия ташкилотларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятига бориб тақалади. Шунинг учун партия ходимларининг сиёсий билими ва малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглр ўтказилмоқда.

### «ЭНДИ ҚУРУҚ ГАП ВА ВАЪДАЛАР БИЛАН САЙЛОВЧИНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ»

**Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:**



1. 2019 йил сибсат майдонига янги — Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этилиши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдигаги нуфузини, имижини янада ошириш учун муҳим омил бўлиб, ўзига хос бренди бўлди десак, хато қилмаймиш.

“Биз келажак учун жавобгармиз” ғояси остида ҳозирги ва келгуси авлоднинг кулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, экологик барқарорликка эришиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, унинг барча куч, салоҳиятини бирлаштириш Экологик партиянинг асосий мақсудасидир.

Сиёсий партиялар жиддий синов олдига турибди. Бу борада янги ташкил этилган ва сайловларда илк бор иштирок этадиган партияимиз масъулиятни янада кўпроқ юк қилмоқда.

Сайловчи биздан аниқ ва натижалли фаолият олиб боришни кутияпти. Энди авваллари бўлганидек, қуруқ гап ва ваъдалар билан сайловчинини алдаб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам биз партия фаолиятини ташкил этишда урта, яъни замон талабига, партия электорати мақсадларига ва манфаатларига мос келадиган инновацион янги гоялар, партия атрофида юқори маҳалли, сиёсий етук ва фидойий маслақдошларни бирлаштириш, партия илгари сураётган гояларни амалда рўйбга чиқарилишига эришиш, яъни сўз билан иш бирлигини таъминлаш каби мезонларга таянамиз.

2. Ўз навбатида, Экоҳарақатга берилган квотадан воз кечилиши Экопартия учун янги имкониятлар яратди. Яъни, биринчидан, квоталаш институтини бизнинг имкониятларимизни маълум бир даражада чегаралаб қўйган эди. Иккинчидан, маҳаллий Кенгашларда бизнинг депутатларимиз йўқ эди, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-

ларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этолмаслик натижасида вертикал

тизимда ишлашга, маҳаллий экологик муаммоларни ўз вақтларида оқимоларни қўйиб қолдириш ва улардан ҳал этиш имконини бермас эди. Учинчидан, Экоҳарақатда бошқа сиёсий партиялар сингари барқарор молиялаштириш манбаи ва унинг доимий аъзолари йўқ бўлиб, рўйхатга олинган ўз электоратига эга эмас эди.

Шу маънода, Экологик партиянинг сайловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши юқорида кўрсатилган муаммолар ўз-ўзидан ечим топишига хизмат қилади.

3. Умуман олганда, партия юқорида келтирилган ҳар иккала муаммо билан ҳам дуч келмоқда. Боз устига, бугун биз ахборот асрида яшаймиш. Ахборот оқими шунчалки кўпки, афсуски, уларни таҳлил қилиш, саралаш, тўғри ёки нотўғри ахборотни ажратиш олиш гоят мушкул. Сўнги пайтларда ахборот майдонига, айрим ҳолларда ижтимоий тармоқларда бир томонлама ёндашув ҳам кўзга ташланмоқда. Ҳар бир ахборотни кузата туриб, оқни оқ, қорани қорага ажратиш нақадар мушкуллигини ҳис этиамиз.

Бу борада биз яна бир муҳим масалага эътибор қаратдик. Биз 90 дан зиёд хорижий мамлакатлардаги турдош “яшиллар” (экологик) партияларнинг фаолиятини ўрганиб чиқдик, тарғибот усулларини таҳлил қилдик ва қайси услубларни қўллаганларида қандай натижага эришганлари бўйича ўзимизга хулоса қилиб олдик.

### «ҲАР БИР ОВОЗ — БИЗ УЧУН МУҲИМ»

**Наримон УМАРОВ, Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси:**

1. Сиёсий партиялар сайлов майдонига кириб келар экан, ҳар бир овоз учун курашиши лозим. Курашганда ҳам халқнинг оғирини енгил қилувчи, бугунги хизмат қилувчи ислохотларни ўртага ташлаши лозим. Партияимиз жорий йил аввалидан сайловларга тайёргарликни янги поғонага кўтарди. Янги таҳрирдаги Сайловларда дастури билан сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва сиёсий майдонга қиқшини режалаштирганмиш. Ҳозирги кунда партиянинг Сайловларда дастури лойиҳаси тайёрланган ва бугунги кунда 3000 дан ортқ бошланғич партия ташкилотларида муҳокама си ўтказилмоқда.

Дастур лойиҳасида партия электоратининг асосини ташкил этувчи соҳалар — соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фан йўналишлари бўйича тақлифлар устуворлик касб этаган.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида тергов органларининг ягона тизимини яратиш, турли йўналишларга бўлинган судларни умумлаштириш, адвокатурани институтини мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш, коррупцияга қарши курашишга фуқароларни кенг жалб қилиш вазифалари режалаштирилган.

Иқтисодиёт соҳасида эса “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини ишлаб чиқиш, табиий ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни илгари сурмоқдамиз.

Дастуриимизда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатори блогерлик фаолиятининг ҳам тегишли қонунларда ҳуқуқий асосларини шакллантириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

жорий этиш, “Ақлли тиббиёт” тизимини янада такомиллаштиришни режалаштирганмиш.

Партия аъзоларининг 25 фоизи меҳнат қилаётган таълим тизимига — умумий таълим соҳасида сифатни кескин ошириш, олий таълимда қабул квоталаридан воз кечиш, илм-фаннинг иқтисодиётдаги ролини кучайтириш белгиланган.

2. Ҳозирги кунда партияимиз аъзолари сони 400 мингга яқинлашган бўлиб, улар 6 500 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Ҳар бир ҳудудда ва туман (шаҳар)ларда партия тизимлари шаклланди.

“Адолат” СДП гоялари ва ташаббуслари билан сиёсий майдонда ўз ўрнига эга ва халқ ичида танилган. Қисқача айтганда, ҳар қандай сиёсий курашга тайёرمиз ва мақсадимиз парламентда ҳамда вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларини олиш.

3. Албатта, яқин-яқингача партия тарғиботи деганда маърузабозликдан иборат аънаваний тадбирлар ва уларни газета, веб-сайт, телевидениеда ёритишнинг ўзи билан чекланиб қолганимиз рўст. Аммо жорий йилдан партияимиз ташвиқот фаолиятида янги услублар, янги йўналишлар асосида ишлашга ўтмоқда. Бунда асосий эътиборни кенг аудиторияга эга ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналлар, уларда фаолият юритувчи блогерлар билан ишлашга қаратмоқдамиз. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бирини партия расмий саҳифалари ҳам очилди ва матн, аудио, фото, видео форматдаги янгиликларни намоиш қилиш йўлга қўйилди.

Бу билан ҳали аҳолимизни тўла қамраб олдик, дейишдан йироқмиш, аммо сайловлар жараёнигача вақтимиз кам қолганини ҳам тушуниб турибмиш. Шунинг учун ҳозир бар-



ча саъй-ҳаракатларимиз кенг аҳоли орасида партияимиз тарғиботини кучайтиришга қаратганмиш. Бу борада айти кунларда янги имкониятлар, интернет-филм хизматларга эга янги веб-сайтимиш ишга тушишини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Фикрлардан англашиладики, ҳар бир партия мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрмоқда, янги гоя ва ташаббусларини илгари сурмоқда. Уларнинг нечоғли рўйбга чиқишини эса декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайлов натижалари кўрсатади. Демак, мавзуга яна қайтамиз.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОД МАКТАБИ



Авалло, Абдулла Қодирий номи ва асарлари узоқ йиллар аросатда қолди. Адибнинг истеъдоди қадр топмади. Асарлари қўлма-қўл ўқилди. Аммо муносиб баҳо-сини олмади. Айниқса, "Ўткан кунлар" ва "Меҳробдан чаён"дек романларнинг туб мазмун-моҳияти тугал ечиб берилмади. Фақатгина Истиқлол йилларида бу вазифа удаланди. Бугун Абдулла Қодирий шахсиятининг эъзози, ижодий меросининг қадр-қиймати янги ташкил бўлган ижод мактаби мисолида рамзий ўлароқ ўз ифодасини топаёгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Абдулла Қодирий истиқбол қайғуси, истиқлол орузси билан яшади. Ҳаққўйлиги, ҳақиқатпарастлиги, миллатпарварлиги, ватансеварлиги оқибатида каттагон "довули"га дучор бўлди.

Жисман маҳв этилди, аммо руҳи ўлмади. Адиб шуғри, юрак дарди эзиб қолдирган асарларида ўз ифодасини топди. Бугун ижод мактабининг ўқувчилари Абдулла Қодирийнинг камтарлигидан, одамийлигидан, тўғрилигидан сабоқ олади. "Ҳақиқат — очиқ сўзлашадир", "Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак" каби ҳикматларидан баҳраманд бўлади; "ниҳоятда таъмасиз", "халқ манфаатини кузатқувчи", "юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун" умрини сарф қилган адабий қаҳрамонлари ҳаётини кўз олдига келтиради. Абдулла Қодирий асарларини ўқиган ўқувчи ўзбек адабий тилининг нақадар гўзал эканини ич-ичдан англаб, адибнинг: "Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонлик-

ларини ўзбек тилига тўнкамасин-лар", деган иддаоли фикрларининг исботига дуч келадилар. Аслида бу ҳикматлар мамлакатнинг ҳар қандай географик ҳудудда истиқомат қиладиган ҳар бир ўқувчининг қалбини ёриштиради, ақлини тўлдирди, фикрини теранлаштиради. Ижод мактабининг ўқувчилари ҳар соҳада қуқур билим олишлари мумкин. Илм — ижодкор учун туганмас маҳзан. Адабий таҳсил — ижодкор учун маънавий озуқа. Ижодкорнинг ўз вақтида адабий-назарий билим олиши унинг баъдий тафаккури куч-қувватини сарфлаш йўлларида ёрдам беради. Ижодкор ҳар кун, ҳар соат ва ҳар лаҳзада ижоддан безовта юрган, қалб кўзи очик ва бепарво илганишдаги одамдир. Ижодкор учун баъзан ҳафта кунларининг хронологик тартиби

ўзгаради, гоҳида туш билан хуш ёки кун билан туннинг ўрни алмашади. Зеро, Абдулла Қодирий каби чинакам ижодкор пешонасига ҳақиқатни ёзиш, адолатга садоқат, тўғрини ёқлаш, гўзалликдан завқланиш, энг муҳими, ўз халқи-га, Ватанига, қўлидаги қалами — ўз юрагига хиёнат қилмаслик каби фазилатлар битилган эди. Ёш ижодкор, истеъдодли ёшлар қалби дарёдек тошқин бўлади. Ўз вақтида керакли ўзларини сари буриш оқибатида бундай дарёлар уммонларга уланади. Абдулла Қодирий руҳи кезиб юрадиган ўша даргоҳ ўқувчилари қалбига адиб асарлари моҳиятидаги жамики гўзаллик, юксак ахлоқий фазилатлар кўчиб ўтишига ишончимиз қомил.



Алҳол, Абдулла Қодирий ижод мактабидан келгусида ўзбек адабиётининг фахри бўладиган, ўзбекона баъдий тафаккур дурдоналарини дунёга кўз-кўз қиладиган, ўз романлари билан жаҳон адабиёти хазинасини бойи-тадиган истеъдодлар, азиз устозга муносиб издошлар етишиб чиқишига умид қилиб қоламиз.

**Баҳодир ҚАРИМОВ,** филология фанлари доктори, **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори.**

# ИИБ янгиликлари

Қашқадарёда вилояти ИИБ тизимида фаолият юритувчи илғор ходимларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Пора олмаган ИИБ ходимига пул мукофоти берилди

Тадбир давомида вилоят ИИБ бошлиғи буйруғига кўра, 2019 йил 11 август куни пора тариқасида таклиф қилинган 13 миллион сўм пулни олмаган ва бу ҳақда раҳбариятга хабар берган капитан Раим Содиков 10 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.



Фузор тумани ИИБ ходими, катта лейтенант Ўктам Аҳмедов ҳам гузорилик Н.Н.нинг фуқаро Р.М.ни ҳақорат қилганлиги ҳақидаги ҳуқуқбузарлигини "ёнди-ёнди қилиш" эвазига таклиф этилган 400 минг сўм порани олмасдан, жиноятни фош этишдаги иштироки учун вилоят ИИБ бошлиғи буйруғига асосан, 800 минг сўм пул мукофотига муносиб кўрилди.

## «Диққат, болалар!»

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Диққат, болалар!" тадбири бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан 10 кун давомида ўтказилади.

Бунда асосий эътибор умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, академик лицей ва коллежлар атрофидаги йўлларга қаратилиб, бу жойларга Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди.

Хурматли ҳайдовчилар! Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда, пиёда-

# ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТУВЧИ МАСКАН

Абдулла Қодирий ижод мактабига қабул қилинган ўқувчиларни табриклаш, уларни ўшунинг ижод қилишига ундаш, халққа, юртга керакли инсонлар бўлиб етишишига туртки бериш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодий учрашув ташкил этилди. Тадбирда ижод мактабининг ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар ҳамда ижодкорлар иштирок этди.

## Тадбир

Шу пайтгача юртимизнинг олтита ҳудудида олти адиб номи билан аталадиган ижод мактаблари бор эди. Булар Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида Абдулла Орипов, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Иброҳим Юсупов, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги Ибрат, Фаргона вилоятининг Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон

ва Зулфия, Андижон вилоятининг Андижон шаҳридаги Мухаммад Юсуф номидаги мактаб-интернатлардир. Бу йил уларнинг сафи яна учтага кўпайди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида Халима Худойбердиева, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида Огаҳий ҳамда Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари очилди.

Тадбирда Абдулла Қодирийнинг миллий адабиётимизда тутган ўрни, ўзбек романчилиги ривожига қўшган ҳиссаси, адабий мероси, у томонидан ёзилган асарларнинг миллий маънавийтимиздаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Унинг ўзбек романчилигига асос солгани, ўзбек насрини юксак рутбаларга кўтаргани, китобийлашган тилимизга жонли халқ оҳанглари олиб киргани, жаҳон адабиётида доврүк қозонган романнавис ёзувчилар "панжасига ланжа ургани" алоҳида эътироф этилди. Абдулла Қодирийнинг Ватанимизни озод қириш орузси унинг ҳаётлик даврида амалга ошмагани, миллат маънавиятини юксалтириш борасидаги ишлари мустабид тузум тазйиқига учрагани, ижодкорнинг фоҳиали қисмати ҳақида фикр юри-тилар экан, бугунги дори-

ламон кунларнинг қадрига етиш, ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Абдулла Қодирий ижод мактабини ташкил этиш ташаббуси, аввало, адабиётимиз, маънавият ва маърифатга қаратилган юксак эътибор намунаси бўлиш билан бирга, буюк бобомизнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган беқийс ҳиссасининг яна бир муносиб эътирофи бўлди, — деди тадбирда сўз олган адабиётшунос олим Шўхрат Ризаев. — Ушбу мактабда таҳсил оладиган ўғил-қизлардан умидимиз катта. Келажақда Абдулла Қодирий ижод мактабини тамомлаганлар орасидан янги Қодирийлар етишиб чиқса ажаб эмас.

Шу йили очилган ижод мактабларининг 5, 6, 7, 8-синфларида ўқувчилар қабул қилинди. Хусусан, Абдулла Қодирий ижод мактабига ҳам ўқувчилар саралаб олинди. Улар ҳужжат топширган 488 нафар ўқувчи орасидан ижодий ва тест имтиҳонлари асосида саралаб олинди. Ҳар бир синфга 30 нафардан, жами 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Қўшимча 5 нафар ўқувчи давлат тадбирларидаги фаол иштироки учун имтиёзли равишда ушбу даргоҳда ўқиш имкониятига эга бўлди. Айни вақтда мактаб ўқувчилари Олмазор туманидаги 119-мактаб биносига ўқитилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига мувофиқ, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат биғида адабий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби биносининг қури-

## Молия муассасаларида

### КИМДИР БИЗНЕС БОШЛАМОҚДА, БОШҚАСИ ИШЛИ БЎЛМОҚДА

Халққа яқин бўлиш, халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Бинобарин, ушбу ишлар туфайли жойларда йиғилиб қолган муаммоларга ечим топилмоқда, одамларнинг мушқули осон, оғири енгил бўлмоқда. Асосийси, эндиликда бу каби тадбирлар анъана тусини оляпти.



Унга ҳар бир ташкилоту муассаса раҳбарияти бош-қош бўлаётгани эса янада диққатга сазовор. Охири кунларда акциядорлик тижорат Халқ банки раҳбарияти томонидан республикамиз ҳудудларида ўтказилаётган сайёр қабуллар фикримиз тасдиғидир.

Яқинда шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ташкил этилди. Унда Халқ банки бошқаруви раиси иштирок этиб, ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг банка доир бир қатор муаммолари бартараф

этилишини билдирди. Жумладан, яқна тартибдаги тадбиркор Ҳожиқиддин Суноновнинг йиллик 28 фоиз устама ҳақ тўлаш шарт билан 150 миллион сўм микдорда кредит олиш тўғрисидаги мурожаати ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Банкнинг "Дустобод" филиали мижози "Юсупов Фахриддин" хусусий корхонаси масъуллари томонидан поёбазал ишлаб чиқариш ва тикувчилик-ривожлантириш учун 3 миллиард сўм микдорда кредит ажратиш юзасидан амалий ёрдам сўралган эди. Мижозга ушбу масала тез кунларда ижобий ҳал этилиши тушунтирилди. Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у рўёбга чиқарилган, 200 кишининг бандлиги таъминланади. Сирдарё вилоятининг Ховос туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда ҳам кўплаб фуқаролар мурожаатлари тингланиб, уларнинг ечимлари қўриб чиқилди. Масалан, тадбиркор Салима Ибодуллаевага Халқ банкининг янги қурилатган замонавий биносига ўқув маркази очинишга рўхсат берилди. Унда тикувчилик, тўқувчилик, пазадаллик сирлари ўргатилади. Муҳими, бунинг учун

Реклама ўрнида

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 267/2018-13-сонли шартномасига асосан, <http://www.auksion.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 18 сентябрь** куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қашқадарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|-----|----------------------|-----------------------|---------------|------------|
| 1.  | «УАЗ 3151210»        | 1996 йил              | 70 131 GAA    | 0110253    |
| 2.  | «УАЗ 3151210»        | 1996 йил              | 70 689 YAA    | 0110254    |
| 3.  | «УАЗ 3151210»        | 1996 йил              | 70 112 GAA    | 0110258    |
| 4.  | «УАЗ 31512»          | 1996 йил              | 70 116 GAA    | 0110259    |
| 5.  | «УАЗ 31512»          | 1993 йил              | 70 108 GAA    | 0110260    |
| 6.  | «УАЗ 31512»          | 1993 йил              | 70 160 GAA    | 0110261    |

**Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**GLOBAL TEXTILE DAYS TASHKENT 2019**

**UZBEKISTAN TEXTILE expo**

**2-халқаро кўргазмаси ТЕКСТИЛЬ ВА МОДА САНОАТИ**

2019 йил **11-13 СЕНТЯБРЬ** | Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ».

Ташкилотчилар: **ITRCA**, **ITE**, **TPMA**

Кўргазмага фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

**ONLINE РҮЙХАТДАН ҲАМ**

Guvohnoma № 3583

**Тошкент тумани уй-жойдан фойдаланиш қисми**

объектларнинг насос агрегатларини қайта таъмирлаш ишларини ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Иш мазмуни: насос ҳолатда бўлган насос агрегатларини қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Насос агрегатлари нуқсонларини аниқлашни бепул тарзда ўтказиш талаб қилинади. Таъмирлаш ишлари 15 % олдиндан тўлов ўтказилгандан кейин тўлиқ бажарилиши шарт. Бир қанча агрегатлар, агар улар ичимлик суви тизимида, иссиқлик энергиясини узатиш тизимида (қиш вақтида) ўрнатилган бўлса, тезкор ҳолда (тўловлардан олдин) таъмирланиши керак.

Таснифи:

- К 90/35 насос агрегати;
- К 160/20 электронасос агрегати (15 кВт ли двигатели билан);
- ЭЦВ 6-10-80, ЭЦВ 8-16-90, ЭЦВ 6, ЭЦВ 6-10-110 электронасос агрегатлари;
- К 45/55 насос агрегати;
- К 45/55 электронасос агрегати (15 кВт ли двигатели билан);

Объектлар: Ҳарбий қисмлар.

Танловга тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар:

Тижорат таклифи, мазкур ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, низом, бош директорнинг паспорт нусхаси, иш бажариш учун тасдиқланган дастлабки смета ёки калькуляция. Охириги иш бажарган жойдан тавсия (агар бўлса).

Шартнома тузилиш жараёнида — гувоҳнома ва низомнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, солиқ инспекцияси ва банкдан кредитор ҳамда дебитор қарздорликлар йўқлиги ҳақида маълумотномалар. Шартномага биноан 15 % олдиндан тўлов ва иш бажарилганидан кейин счет-фактура ҳамда иш бажарилиши ахтларига асосан 85 % лик тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**Танловда қатнашиш учун мурожаатлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади:**

**71-289-60-12, 71-289-42-79.**

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 721 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газетани таҳрир қилувчи марказда термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Бўтаев.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ў.А яқини — 22.05 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6